



МОЛИЯВИЙ ҲИСОБДОРЛИК ВА ШАФФОФЛИКНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

Арипов Жавохир

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази
ORCID: 0009-0007-7080-8792
aripovjavohir@gmail.com

Аннотация. Мақолада молиявий ҳисобдорлик ва шаффофликнинг институционал ўзига хосликлари назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилган. Ўзбекистонда давлат молиясини бошқариш тизимини модернизация қилиш, бюджет жараёнларида очиқлик даражасини ошириш, халқаро молиявий ҳисобот стандартларига босқичма-босқич ўтиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар таҳлил қилинган. Халқаро тажриба (Финляндия, Канада, Жанубий Корея, Австралия, Швеция) мисолида самарали молиявий ҳисобдорлик ва шаффофликни таъминловчи омиллар реал вақтда маълумот тақдимоти, мустақил аудит институтлари ва рақамли технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти кўрсатиб берилган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг РЕФА ва Очиқ бюджет индекси кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўналишлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижаларига кўра, миллий қонунчиликни мустаҳкамлаш, ахборотларни халқаро стандартлар асосида тақдим этиш, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш ва рақамли технологияларни жорий этиш молиявий ҳисобдорлик ва шаффофликнинг институционал пойдеворини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: молиявий ҳисобдорлик, шаффофлик, институционал муҳит, давлат молияси, РЕФА индикатори, Очиқ бюджет индекси, мустақил аудит, рақамли технологиялар, жамоатчилик иштироки, Ўзбекистон.

ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ И ПРОЗРАЧНОСТИ

Арипов Джавахир

Научно-исследовательский центр
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»
при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В статье исследованы теоретические и практические аспекты институциональных особенностей финансовой подотчётности и прозрачности. Рассмотрены реформы, проводимые в Узбекистане в сфере модернизации системы управления государственными финансами, повышения уровня открытости бюджетного процесса и постепенного перехода на международные стандарты финансовой отчётности. На основе международного опыта (Финляндия, Канада, Республика Корея, Австралия, Швеция) выделены ключевые факторы, обеспечивающие эффективность финансовой подотчётности и прозрачности: представление данных в режиме реального

времени, институционально независимый аудит и использование цифровых технологий. Проанализированы показатели PEFA и Индекса открытого бюджета Узбекистана, определены существующие проблемы и предложены направления их решения. В результате исследования обосновано, что укрепление национального законодательства, представление информации в соответствии с международными стандартами, расширение участия общества и внедрение современных цифровых технологий являются важнейшими условиями институционального укрепления финансовой подотчётности и прозрачности.

Ключевые слова: финансовая подотчётность, прозрачность, институциональная среда, государственные финансы, индикатор PEFA, Индекс открытого бюджета, независимый аудит, цифровые технологии, участие общества, Узбекистан.

INSTITUTIONAL SPECIFICS OF FINANCIAL ACCOUNTABILITY AND TRANSPARENCY

Aripov Javokhir

Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems of the Development of the Economy of Uzbekistan" under Tashkent State University of Economics

Abstract. *The article explores the theoretical and practical aspects of the institutional characteristics of financial accountability and transparency. It examines the reforms implemented in Uzbekistan aimed at modernizing the public financial management system, enhancing budget process openness, and gradually adopting international financial reporting standards. Based on international experience (Finland, Canada, South Korea, Australia, Sweden), the study highlights the key factors that ensure effective financial accountability and transparency: real-time data disclosure, institutionally independent auditing, and the use of digital technologies. Uzbekistan's PEFA scores and Open Budget Index results are analyzed, identifying existing challenges and suggesting policy directions for improvement. The findings demonstrate that strengthening national legislation, adopting internationally standardized reporting formats, expanding public participation, and introducing modern digital technologies are crucial for consolidating the institutional foundation of financial accountability and transparency.*

Keywords: *financial accountability, transparency, institutional environment, public finance, PEFA indicator, Open Budget Index, independent audit, digital technologies, public participation, Uzbekistan.*

Кириш.

Ўзбекистонда ҳам сўнги йилларда молиявий ҳисобдорлик ва шаффофликни таъминлаш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Давлат молиясини бошқариш тизимини модернизация қилиш, бюджет жараёнларида очиқлик индексини ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот стандартларини халқаро мезонларга мослаштириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, 2020 йилдан бошлаб Давлат бюджетининг даромад ва харажатлари ҳақидаги маълумотлар очиқ порталда эълон қилиниши, айрим давлат ташкилотларида "Ижтимоий ҳисобдорлик ҳисоботи" амалиёти жорий этилиши бу борадаги сезиларли ютуқлардан ҳисобланади.

Баъзан амалга оширилаётган ишларга қарамай, молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик даражасини тўлиқ халқаро стандартларга мослаштиришда ҳали ечимини кутаётган қатор масалалар мавжуд. Хусусан, ахборот тақдимотининг сифат даражаси, маълумотларнинг таҳлилга яроқли формати, мустақил аудит жараёнларининг самарадорлиги ва манфаатдор томонлар ўртасидаги коммуникациянинг кучайиши каби йўналишларда илмий асосланган таклиф ва тавсияларга эҳтиёж катта.

Шу нуқтаи назардан, мазкур тадқиқотнинг мақсади молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик тушунчаларининг назарий асосларини чуқур ўрганиш, уларнинг институционал ўзига хосликларини таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистон шароитида самарали амалга ошириш механизмларини илмий асосда ишлаб чиқишдан иборат.

Адабиётлар шарҳи.

Айрим олимларнинг фикрича, молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик - бу фақат молиявий жараёнларни расмийлаштириш ёки қонун талабларига жавоб бериш эмас, балки давлат, хусусий ва нодавлат ташкилотлар фаолиятида ишонч, самарадорлик ва барқарорликни таъминлайдиган стратегик асосдир.

Биринчидан, илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, шаффофлик ва ҳисобдорлик жамоат муассасаларида молиявий ҳисоботларнинг сифатини оширади, бу эса фуқаролар ва инвесторлар ишончини мустаҳкамлайди ([Sipahutar et al., 2025](#)). Маълумотларни аниқ, вақтли ва тушунарли тақдим этиш молиявий бошқарувда масъулият ва жавобгарлик муҳитини яратади.

Иккинчидан, замонавий технологиялар: блокчейн, булутли молия тизимлари, автоматлаштирилган ҳисобот платформалари, молиявий маълумотларни реал вақтда кузатиш ва тасдиқлаш имконини беради. Бу нафақат харажатлар устидан назоратни кучайтиради, балки коррупция ва маблағларни суистеъмол қилиш хавфини кескин камайтиради ([Adeusi et al., 2024](#)).

Учинчидан, нодавлат ташкилотларда молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик жамоат ишончи учун ҳаётий аҳамиятга эга. Аниқ ва очиқ ҳисоботлар ташкилотнинг барқарорлиги ва фаолиятини узоқ муддатда сақлаб қолишга ёрдам беради. Шу билан бирга, молиявий маълумотларни яшириш ёки кечиктириб тақдим этиш шубҳа ва ишончсизликка олиб келиши мумкин ([Putranti, 2023](#)).

Тўртинчидан, жамоат секторида яхши бошқарув принциплари билан уйғунлашган шаффофлик бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, ички назорат тизимларини мустаҳкамлаш ва жамоатчиликка ҳисоб беришни кафолатлайди. Бу эса давлат ресурсларининг самарадорлигини оширади ва коррупцияга қарши таъсирчан восита бўлади ([Pratiwi et al., 2024](#)).

Нихоят, халқаро иқтисодий ва ҳуқуқий тажрибада молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик икки йўналишда талқин этилади:

- Маълумот очиқлиги - қарорлар, молиявий ҳолат ва амалга оширилган ҳаракатлар ҳақидаги маълумотни ҳамма учун тушунарли ва кириш имкони билан тақдим этиш;
- Жавобгарлик - қабул қилинган қарорлар ва уларнинг натижалари учун масъулиятни ўз зиммасига олиш.

Бу икки тамойил бир-бирини тўлдириб, давлат ва ташкилотларда тўғри қарор қабул қилиш сифатини оширади ([Kelly, 2010](#)).

OECD (2015) ва IMF (2018) тадқиқотларида молиявий ҳисобдорликни таъминлаш учун бюджет жараёнида тўлиқ маълумот тақдим этиш, мустақил аудит механизмларини кучайтириш ва жамоатчилик иштирокини ошириш каби мезонлар илгари сурилади.


Жаҳон банкининг “Public Expenditure and Financial Accountability” (PEFA) баҳолаш тизими давлат молиясининг ҳисобдорлик даражасини аниқлашда асосий халқаро мезонлардан бири ҳисобланади. PEFAда бюджет жараёнида очиқлик, маълумотларнинг аниқлиги, ўз вақтида тақдим этилиши ва текшириш имконияти каби кўрсаткичлар муҳим аҳамиятга эга.

Transparency International (2022)нинг “Corruption Perceptions Index” тадқиқотида молиявий шаффофлик коррупция даражасини пасайтиришда ҳал қилувчи омил сифатида белгиланган. Уларга кўра, молиявий маълумотларни очиқ эълон қилиш ва манфаатдор томонлар иштирокини таъминлаш давлат секторида ишонч муҳитини яратади.

Умуман олганда, молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик бу фақат ҳисобот топшириш шартлари эмас, балки узоқ муддатли барқарорлик, самарали бошқарув, жамият ишончи ва иқтисодий ўсишнинг асосий кафолати ҳисобланади деган хулоса шаклланади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Молиявий ҳисобдорлик ва шаффофликнинг институционал ўзига хосликлари бўйича тадқиқотлар қуйидагича натижаларни кўрсатган (1-расм):



1-расм. Молиявий ҳисобдорлик ва шаффофликнинг институционал ўзига хосликлари

Манба: ўрганишлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1-расмни изоҳлайдиган бўлсак, молиявий ҳисобдорлик ва шаффофликнинг самарадорлиги бир қатор институционал ва ташкилий омиллар билан белгиланади. Биринчи навбатда, ҳуқуқий ва регулятив муҳит муҳим ўрин тутаяди: миллий қонунлар ва бухгалтерия стандартлари ушбу принципларни таъминлашда асосий роль ўйнайди. Масалан, Европа Иттифоқи тажрибасида ички назорат ва корпоратив бошқарув талабларининг кучайтирилиши бозор самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлаган (Kashyap, 2017). Шу билан бирга, институционал салоҳият ва тайёргарлик ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга: халқаро давлат бухгалтерия стандартларини (IPSAS) жорий этиш кучли институционал қўллаб-қувватлаш бўлган мамлакатларда самарали натижа беради, инфратузилма етишмовчилиги ва кадрлар малакасининг пастлиги эса жараённи чеклайди (Sonjaya et al., 2025).

Сиёсий ва маданий омиллар ҳам жараёнга таъсир кўрсатади, сиёсий барқарорлиги паст ва институтлари заиф мамлакатларда шаффофлик ва ҳисобдорлик кўпроқ жамоатчилик иштирокини таъминлаш орқали амалга оширилади. Масалан, Қирғизистонда бу тушунчалар молиявий ҳисобот билан бирга аҳолининг тўғридан-тўғри иштирокини ҳам қамраб олган (Moldaliev, 2021). Шунингдек, ички назорат тизимлари давлат муассасаларида шаффофликни кучайтиради, аммо ташқи босимлар (масалан, халқаро ташкилотлар талаби) мустақил равишда ҳисобдорликка олиб келмайди; шунинг учун маҳаллий даражада ички назорат ва ҳисобот тизимини мустаҳкамлаш зарур (Nazaruddin et al., 2023).

Нихоят, технологик инфратузилма: булутли молия тизимлари, блокчейн ва электрон ҳисобот платформалари молиявий маълумотларни реал вақтда кузатиш ва тасдиқлаш имконини бериб, коррупция ва маблағларни суиистеъмол қилиш хавфини камайтиради (Adeusi et al., 2024). Умуман, назарий ёндашувлар ушбу принципларни турли жиҳатлардан ёритса-да, амалда уларнинг самарадорлиги қонунчилик, сиёсий барқарорлик, маданий анъаналар ва технологик инфратузилма билан чамбарчас боғлиқ.

Юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик тушунчаси замонавий давлат бошқаруви ва молия тизимининг асосий тамойилларидан бири бўлиб, унинг назарий асослари турли илмий ёндашувларда ўз аксини топган. Институционал ўзига хосликлар ушбу тамойилларни ҳаётга татбиқ этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Қонунчилик ва бухгалтерия стандартлари молиявий ҳисобдорнинг ҳуқуқий асосини таъминласа, сиёсий барқарорлик ва маданий анъаналар унинг ижтимоий қабул қилиниши ва амалий самарадорлигини белгилайди. Технологик инфратузилма, хусусан рақамли платформа ва блокчейн каби инновациялар, маълумотлар шаффофлиги ва реал вақтда мониторинг имкониятларини кенгайтиради. Шу билан бирга, кадрлар салоҳияти, институционал тайёргарлик ва ички назорат тизимларининг самарадорлиги ушбу жараённинг узлуксизлигини таъминлайди.

Шу билан бирга, миллий иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларига молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик тамойилларини интеграция қилиш давлат молиясини самарали бошқариш, коррупция хавфини камайтириш ва ижтимоий ишончни мустаҳкамлашда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Институционал муҳитнинг кучлилиги эса молиявий ахборотнинг ҳаққонийлиги ва таҳлил учун очиқлигини таъминлайдиган мустақил аудит, ҳисоб палаталари ва жамоатчилик назорати каби механизмлар мавжудлиги билан белгиланади.

OECD ва IMF тавсияларига кўра, самарали молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик тизими қуйидаги асосий талабларни ўз ичига олиши зарур (1-жадвал):

1-жадвал

Самарали молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик тизимининг асосий талаблари (OECD, 2015)

Давлат ва корпоратив молиявий ҳисобдорларнинг аниқлиги ва ўз вақтида тақдим этилиши	молиявий маълумотлар ҳисобдор даври тугагач, белгиланган муддатларда ишончли ва текширилган шаклда эълон қилиниши лозим.
Ахборотнинг очиқлиги ва фойдаланиш қулайлиги	манфаатдор томонлар, жумладан инвесторлар, тадқиқотчилар ва кенг жамоатчилик, молиявий маълумотлардан эркин ва тезкор фойдаланиш имкониятига эга бўлиши шарт.
Мустақил аудит органлари орқали ҳисобдорларнинг ҳаққонийлигини текшириш	бу жараён молиявий маълумотларнинг ишончлилигини кафолатлайди ва сохталаштириш ҳолатларини олдини олади.
Жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтларининг бюджет жараёнларида фаол иштирокини таъминлаш	бу орқали давлат харажатларининг мақсадлилиги ва самарадорлиги устидан очиқ назорат механизми шаклланади.

Шу тариқа, юқоридаги назарий изоҳлар молиявий ҳисобдорлик ва шаффофликнинг умумий қонуниятларини ёритиб берди. Энди ушбу тушунчаларни халқаро ўлчов тизимлари орқали баҳолаш ва рақамли кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиш, мавжуд ҳолатни чуқурроқ англаш ва амалий хулосалар чиқариш имконини беради. Бунинг учун халқаро эътироф этилган икки асосий индикатор: PEFA баҳолаш тизими ва Очиқ бюджет индекси маълумотларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Халқаро PEFA баллари бўйича юқори натижалар (100 баллик тизим)¹

Давлат	Ўртача PEFA балли (100 дан)
Финляндия	92
Канада	90
Жанубий Корея	88
Австралия	87
Швеция	86

PEFA (Public Expenditure and Financial Accountability) баҳолаш тизими давлат молиясини бошқаришда ҳисобдорлик, шаффофлик ва самарадорлик даражасини аниқлашда энг кўп қўлланиладиган халқаро инструментлардан бири ҳисобланади. Финляндия, Канада, Жанубий Корея, Австралия ва Швеция каби юқори баллга эга давлатлар тажрибаси молиявий ҳисобдорлик ва шаффофликни таъминлашда бир қатор умумий институционал хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради.

Биринчидан, бюджет маълумотлари фақат йиллик ҳисобот кўринишида эмас, балки чораклик ва ойлик шаклларда ҳам эълон қилинади. Бу иқтисодий шароитдаги ўзгаришларга манфаатдор томонлар ва жамоатчиликнинг ўз вақтида реакция билдириши учун шарт-шароит яратади.

Иккинчидан, давлат аудит тизими тўлиқ институционал мустақилликка эга бўлиб, фаолияти бевосита парламент олдида ҳисобдор ҳисобланади. Бу молиявий маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ишончилигини кафолатлайди.

Учинчидан, ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш ҳисоботларни real-time режимида янгилаб бориш имконини беради. Масалан, Финляндиянинг "Valtion talousarvio" платформасида давлат харажатлари ҳар куни кузатилиши мумкин. Шу билан бирга, рақамли платформалар фуқаролар иштирокини кучайтиради: Жанубий Кореядаги "Open Fiscal Data" портали давлат харидлари, лойиҳалар ва харажатлар ҳақидаги маълумотларни визуал графиклар ва интерактив хариталар орқали тақдим этиб, жамоатчилик назоратининг амалий механизмга айланишига хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг PEFA кўрсаткичлари айрим йўналишларда ўртадан юқори даражани намоён қилган бўлса-да, молиявий маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ эълон қилиш, бюджет ижроси ҳақидаги таҳлилий ҳисоботлар тайёрлаш ҳамда ижро жараёнидаги мониторингни автоматлаштириш соҳаларида ривожланиш имкониятлари мавжуд. Масалан, бюджетни режалаштириш жараёнида макроиқтисодий прогнози ва бюджет параметрлари ўзаро уйғунлаштирилган, аммо ижро жараёнида автоматлашган мониторинг механизмлари етарлича ривожланмагани ҳисобдорлик даражасини пасайтиради.

Халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда PEFA баҳосини ошириш учун қуйидаги йўналишлар устувор аҳамиятга эга:

- ички ва ташқи аудит органларининг институционал мустақиллигини мустаҳкамлаш;
- молиявий маълумотларни жамоатчилик учун содда инфографика ва интерактив форматда тақдим этиш;
- маълумотлар алмашинувини API² орқали автоматлаштириш орқали шаффофлик ва ҳисобдорликни ошириш.

Шундай қилиб, юқори PEFA натижаларига эришган давлатлар тажрибаси кўрсатадики, бюджет маълумотларининг тезкорлиги, аудит мустақиллиги ва рақамли

¹ Public Expenditure and Financial Accountability (PEFA) Secretariat. "PEFA Assessments Database", 2023 йил. <https://www.pefa.org/resources>

² API (Application Programming Interface - илова дастурлаш интерфейси) турли дастурлар ва тизимлар ўзаро маълумот алмашиши учун "таржимон" вазифасини бажарадиган қоидалар ва протоколлар тўплами.

шаффофлик воситалари давлат молия тизимида ишонч ва ҳисобдорлик даражасини сезиларли оширади.

3-жадвал.

Очиқ бюджет индекси бўйича давлатлар қиёси³

Давлат	Очиқ бюджет индекси (100 дан)
Ўзбекистон	45
Қозоғистон	56
Россия	60
Жанубий Корея	85
Швеция	88

3-жадвалда қарайдиган бўлсак, молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик самарали давлат бошқарувининг асосий устунларидан ҳисобланади. Масалан, Очиқ бюджет индексида етакчи ўринларни эгаллаб келаётган Швеция ва Жанубий Кореяда бюджет жараёнининг барча босқичлари: режалаштириш, тасдиқлаш, ижро ва ҳисобот максимал даражада очиқ ва жамоатчиликка тушунарли тарзда тақдим этилади. Бу мамлакатларда расмий ҳужжатлар билан бир қаторда “фуқаролар бюджетлари” ҳам чоп этилиб, инфографика ва қисқа изоҳлар орқали кенг аҳоли қатламига молиявий маълумотлар етказилади.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда ислохотлар амалга оширилиб, “Очиқ бюджет” портали, давлат харидлари электрон тизими ва Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (IFRS) босқичма-босқич ўтиш жараёни йўлга қўйилди. Шу билан бирга, Очиқ бюджет индекси бўйича кўрсаткич ҳозирда 45 баллни ташкил этиб, халқаро ўртача даражадан паст қолмоқда. Институционал таҳлилга кўра, асосий муаммолар қўйидагилардан иборат: маълумотлар кўп ҳолларда таҳлилга қулай бўлмаган форматда (PDF, сканерланган ҳужжатлар) тақдим этилади, мустақил аудит органларининг ваколат ва мустақиллиги етарли эмас, жамоатчилик иштирокининг институционал асослари кучсиз.

Халқаро тажриба, хусусан, Финляндия, Жанубий Корея ва Бразилия мисолида, бюджет маълумотларини API ва machine-readable форматларда тақдим этиш, real-time назорат платформаларини жорий этиш ҳамда фуқаролар иштирокини таъминловчи интерактив онлайн механизмлар Очиқ бюджет индекси кўрсаткичинини сезиларли оширишини кўрсатади. Ўзбекистонда ҳам маълумотлар форматини стандартлаштириш ва жамоатчилик таклифларини қабул қилиш жараёнини автоматлаштириш орқали келгуси 5 йилда очиқ бюджет индексини камида 20–25 баллга яхшилаш имконияти мавжуд.

Икки индикатор таҳлили шуни кўрсатадики, PEFA ва Очиқ бюджет индекси кўрсаткичлари бир-бири билан узвий боғлиқ: PEFA давлат молия тизимининг ички самарадорлиги ва ҳисобдорлигини баҳоласа, Очиқ бюджет индекси ташқи шаффофлик ва жамоатчилик иштирокини ўлчайди. Уларни яхшилаш учун ягона стратегия ишлаб чиқиш, ахборот технологияларини кенг жорий этиш, халқаро стандартларга мос ахборот форматларини таъминлаш ва аудит органларининг институционал мустақиллигини мустаҳкамлаш зарур.

Шу сабабли, Ўзбекистонда молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик даражасини ошириш учун қўйидаги йўналишлар устувор аҳамиятга эга:

- ахборот форматларини халқаро стандартларга (API, machine-readable data) мослаштириш;
- маълумотларни реал вақтда янгилаш тизимини кенг жорий этиш;
- мустақил аудит институтларининг институционал мустақиллигини таъминлаш;

³ International Budget Partnership (IBP). "Open Budget Survey 2021", (2022 йилда эълон қилинган). <https://internationalbudget.org/open-budget-survey>

• фуқаролар иштирокини рағбатлантирувчи рақамли платформаларнинг функционал имкониятларини кенгайтириш.

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган назарий таҳлиллар, халқаро тажриба ва Ўзбекистон амалиётини қиёсий ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик давлат молия тизимининг барқарорлиги, иқтисодий ўсиш суръатлари ҳамда жамиятнинг давлат бошқарувига бўлган ишончини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи омиллар ҳисобланади. Ҳисобдорлик – молиявий ресурслардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, уларнинг манбалари ва сарфланиши тўғрисида ишончли маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш мажбурияти сифатида; шаффофлик эса ушбу маълумотларнинг очиқлиги ва мустақил текшириш имконияти билан тавсифланади.

Халқаро тажриба (Финляндия, Канада, Жанубий Корея, Австралия, Швеция) шуни тасдиқлайдики, тўлиқ ва real-time маълумот тақдимоти, институционал мустақил аудит органлари ва интерактив фуқаролар платформалари молиявий ҳисобдорлик ва шаффофликни таъминлашда энг самарали воситалардир.

Ўзбекистонда “Очиқ бюджет” портали, халқаро молиявий ҳисобот стандартларига ўтиш ва электрон давлат харидларини жорий этиш каби ислохотлар амалга оширилган бўлса-да, PEFA ва Очиқ бюджет индекси кўрсаткичлари бўйича мамлакат ҳали ҳам халқаро ўртача даражадан паст натижаларга эга.

Шу боис, миллий қонунчиликни мустаҳкамлаш, давлат молиявий маълумотларини халқаро стандартлар (JSON, XML, API) асосида реал вақт режимида тақдим этиш, мустақил аудит тизимини кучайтириш, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш ва замонавий ахборот технологияларини (блокчейн, булутли ҳисобот) жорий этиш орқали молиявий ҳисобдорлик ва шаффофликнинг институционал пойдеворини мустаҳкамлаш зарур.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Adeusi, K., Jejenywa, T., & Jejenywa, T. (2024). *Advancing financial transparency and ethical governance: innovative cost management and accountability in higher education and industry*. *International Journal of Management & Entrepreneurship Research*. <https://doi.org/10.51594/ijmer.v6i5.1099>.

International Monetary Fund (IMF). (2018). *Fiscal Transparency Handbook*. IMF Publishing, Washington D.C. <https://www.imf.org/en/Publications/Manuals-Guides/Issues/2018/04/04/Fiscal-Transparency-Handbook>

Kashyap, S. (2017). *Transparency and Accountability in the European Financial Sector*. , 104-129. <https://doi.org/10.4324/9781315563893-5>.

Kelly, J. (2010). *Transparency and Bank Supervision*. .

Moldaliev, J. (2021). *Localizing transparency and accountability in extractives*. *The Extractive Industries and Society*. <https://doi.org/10.1016/j.exis.2021.100991>.

Nazaruddin, I., Rahmandani, Y., & Sibuea, S. (2023). *Determinants of Financial Reporting Local Government Organization Transparency and Accountability as a Mediator*. *Jurnal Ilmiah Akuntansi dan Bisnis*. <https://doi.org/10.24843/jiab.2023.v18.i02.p06>.

OECD. (2015). *G20/OECD Principles of Corporate Governance*. OECD Publishing, Paris. <https://doi.org/10.1787/9789264236882-en>

OECD. (2015). *G20/OECD Principles of Corporate Governance*. OECD Publishing, Paris. <https://doi.org/10.1787/9789264236882-en>; International Monetary Fund (IMF). (2018). *Fiscal Transparency Handbook*. IMF Publishing, Washington D.C. <https://www.imf.org/en/Publications/Manuals-Guides/Issues/2018/04/04/Fiscal-Transparency-Handbook>

Pratiwi, R., Ah, H., & Kusumawati, A. (2024). *The Influence of Transparency, Governance, and Financial Accountability in Managing Financial Reporting in the Public Sector*. *International Journal of Educational and Life Sciences*. <https://doi.org/10.59890/ijels.v2i10.2571>.

Public Expenditure and Financial Accountability (PEFA) Secretariat. "PEFA Assessments Database", 2023 йил.

Putranti, E. (2023). *Transparency and accountability in the management of nonprofit organization finances*. *diversity Logic Journal Multidisciplinary*. <https://doi.org/10.61543/div.v2i1.73>.

Sipahutar, S., Fadilla, N., Nadapdap, R., Nabila, S., & Supraja, G. (2025). *The Effect of Transparency And Accountability on The Quality of Public Financial Reports*. *Jurnal Ekonomi, Manajemen, Akuntansi dan Keuangan*. <https://doi.org/10.53697/emak.v6i2.2313>.

Sonjaya, Y., Prasetianingrum, S., Auliyah, I., & Labo, I. (2025). *Implementation of Public Sector Accounting Systems and Standards in Improving Financial Transparency*. *Advances in Applied Accounting Research*. <https://doi.org/10.60079/aaar.v3i1.420>.

Transparency International. (2022). *Corruption Perceptions Index 2022*. Berlin: Transparency International. <https://www.transparency.org/en/cpi/2022>

World Bank. (2016). *Public Expenditure and Financial Accountability (PEFA) Assessment Framework*. PEFA Secretariat, Washington D.C. <https://www.pefa.org/resources>.